

“Агробанк” АТБ акциядорларининг
навбатдаги йиллик умумий
йиғилишининг 2018 йил 04 июндаги
36 - сонли баённомасига
11 - сонли илова

**“Агробанк” акциядорлик тижорат банки Тафтиш комиссияси
тўғрисида”ги Низомга
киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар матни**

1.Низомнинг 15-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

15.Банкнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш яқунларига кўра Тафтиш комиссияси хулоса тузади, бу хулосада:

банкнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;

бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

Тафтиш комиссияси банкда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва банк ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чоракда банк Кенгашининг мажлисига олиб чиқади. Ушбу банднинг биринчи қисмида кўрсатилган ахборотни ўз ичига олган хулоса акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида эшитилади.